ЎЗБЕКОНА АХЛОҚИЙ МЕНТАЛИТЕТ

З. Ш. Ҳамидов

Мақола ўзбек халқи ахлоқий менталитети масалаларини ўрганиш, унинг шаклланиш асосларини аниқлашга бағишланган. Ўзбекона ахлоқий менталитетни белгиловчи жиҳатлар, жумладан, она ерга боғлиқлик, ота-она ва катталарга ҳурмат, фарзандларга меҳр, меҳмондўстлик, жамоавийлик каби хислатлар ёритилган.

***Калит сўзлар**: ахлоқий менталитет, ўзбекона ахлоқ, она ерга боғлиқлик, ота-она ва катталарга ҳурмат, меҳмондўстлик, жамоавийлик.*

В статье анализируются вопросы нравственного менталитета узбекского народа, определяютсяосновыегоформирования.Особенностями менталитета узбекского народа названы, в частности, привязанность к родной земле, уважительное отношение к родителям и старшим, любовь к детям, гостеприимство, коллективизм.

***Ключевые слова**: нравственный менталитет, мораль узбекского народа, привязанность к родной земле, уважительное отношение к родителям и старшим, гостеприимство, коллективизм.*

The article studies the questions of moral mentality of the Uzbek people, the basis of its formation. The special sides of mentality of the Uzbek people are mentioned, particularly, attachment to the native land, the valid relation to parents and seniors, love of children, hospitality, a collectivism

***Key words**: Mental, the questions of moral mentality, the morality of Uzbeks, attachment to the native land, the valid relation to parents and seniors, hospitality, a collectivism.*

Дунёда ҳар бир миллат, ҳар бир элат, халқнинг ўзига хос менталитети мавжуд. Менталитет (лот. Ments – жон, руҳ, ақл) – муайян ижтимоий ёки этник гуруҳлар, масалан, миллат, халқ, элатларнинг ақлий, эмоционал, маданий ўзига хосликлари, қадриятли йўналишлари ва урф-одатлари мажмуи.

Миллий менталитет – миллатнинг тарихан шаклланган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, яшаш ва фикрлаш тарзи, муайян ижтимоий шароитларда камолга етган қобилияти ва руҳий қуввати. Бу тушунча миллатга хос анъаналар, расм-русмлар, урф-одатлар, диний эътиқодни ҳам ўз ичига олади [4.218].

Ахлоқий менталитет – ҳар бир этник бирликнинг, миллатнинг ахлоқий жиҳатдан ўзига хослиги, умуминсоний ахлоқнинг ягоналик тарзида намоён бўлишидир.

Ўзбек халқининг ахлоқий менталитети асослари уч минг йилларга бориб тақалади. Бунга биз буюк ва доно меросимиз “Авесто”ни кўздан кечирар эканмиз тўла ишонч ҳосил қиламиз. Мазкур муқаддас китоб аждодларимиз амал қилган ахлоқий тамойиллар ва кўрсатмалар мажмуи бўлиб, у том маънода, президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, “ҳаёт йўриқномаси”дир.

Ўзбек менталитетида аввал бошиданоқ асосан юксак эътиқодга, инсон руҳиятини, унинг маънавий оламини англашга, инсонни маънавий, хусусан, ахлоқий комилликка эришишига, одамларнинг қалбини билишга устуворлик берилган. Бунга буюк алломаларимиз томонидан яратилган асарлар номиёқ гувоҳ: “Руҳий табобат” (Абу Бакр Розий),“Фозил одамлар шаҳри” (Форобий), “Ишқ рисоласи” (Ибн Сино), “Инсони комил” (Азизиддин Насафий), “Маҳбуб ул-қулуб” (Навоий)...

Яқин ўтмишимиз тўғрисида сўз бориб, ўзбек менталитети, ўзбекона одоб-ахлоқ дейилганда, беихтиёр Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, ”Меҳробдан чаён” романлари персонажлари Отабек, Кумуш, Юсуфбек ҳожи, Ҳасанали, Анвар, Раъно, Султоналли ёдга олинади. Бу образлар ёзувчи М.Қўшжонов топиб айтганидек, “ўзбекнинг ўзлиги”дир. Муаллиф Қодирийга армуғон қилган китобида Қодирийга сўнмас шуҳрат ато этган нарса унинг ўзбек менталитети, ўзбекона ахлоқ намунасини заргарона бера билганлигида, деб уқтиргандек бўлади [5.133].

Ўзбек менталитети “ўзбекчилик” ахлоқий тамойилида ўз ифодасини топган. И.Каримов “тилимизда “ўзбекчилик” деган олижаноб тушунча борки, айрим оғзига кучи етмаганлар нотўғри талқин этадилар” [1.7] деб, мазкур тушунчага алоҳида тўхталган эдилар. Умуман айтганда, “ўзбекчилик”да миллатимизнинг миллий қиёфаси, характери (феъл-атвори), ўзига хос турмуш тарзи, салоҳияти, дунёқараши, тафаккури, онги, қалби, одамгарчилиги, орзу-умидлари, фазилату камчилиги, бир сўз билан айтганда, бутун борлиғи намоён бўлади.

Менталитетимиздаги мавжуд маънавий-ахлоқий фазилатлар: киндик қони тўкилган жой қадри, ота-она розилиги, хушмуомалилик, ўзидан катталарга ҳурмат, устозларга эҳтиром, болажонлик, меҳмондўстлик, раҳмдиллик, шукроналик, камтарлик, камсуқумлик, кечиримлилик, елкадошлик, сабрлилик, ҳалоллик, аждодлар руҳига ҳурмат турмуш тарзимиз атрибутларидир. Ўзбеклар ўзларининг юзхотирчилик, андишалилик, саҳоватлилик, ўзаро ҳурмат каби хусусиятлари билан дунё халқларидан ажралиб туради. Улар юмшоқ табиат, кўнгли очиқ, сертакаллуф, содда, ишонувчан, бироз тўпори, аммо тиришқоқ, фидоий, меҳнатсевар бўладилар.

Ўзбекона ахлоқий менталитетнинг меҳвари бўлган оила – ўзбек учун муқаддас даргоҳ. Унда одатда уч авлод вакиллари жамулжам, тотувликда ҳаёт кечирадилар. Эркак – оила бошлиғи. Ёши улуғ онахон – "фармонбардор". Қозон – бир, даромаду буромад, шодлигу ташвиш бир. Нуроний отахонлар иззатда, маслаҳатгўй, дуода, ёшлар хизматда. Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчлари, қарзлари: яхши ном қўйиш, яхши муаллим қўлига топшириб, саводини чиқариш, илмли, касбли-ҳунарли қилиш, бошини икки ва уй-жойли қилиш [2.4]ни ҳар қандай миллат ҳам бўйнига олавермаса керак. Менталитетимизнинг бу ноёб жиҳатлари ҳамда вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандларнинг ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурлиги конституциямизнинг "Оила" деб номланувчи XIV бобида ўз ифодасини топган бўлиб, бу моддалар бирор-бир давлат конституциясида учрамайди.

Халқимизнинг она заминга, киндик қони тўкилган ерга боғлангани ҳам бор гап. Бизда "сайёрлик"ка хоҳиш кам, рўйхушлик йўқ, аксинча ВАТАН деган тушунча муқаддас, бир парча еримизни ҳам "гуллатиш"га умримизни сарфлаймиз. И.Каримов айтганидек, ўзбеклар ерни худди нондек эъзозлайди, қадрлайди, бир парчагина ерни ҳам қаровсиз қолдиришни гуноҳи азим деб билади, чунки ер ноз-неъмат манбаи, "ўзбекнинг феъл-атвори барчага аён. У ерни, табиатни севади. Дўпписида сув ташиб бўлса-да дарахт кўкартиради. Ўзбек том маънода бунёдкордир" [3.77].

Ўзбек аёлларининг ҳовли-жой тутишларидаги саришталик, саранжомлик, покизаликка ҳар қандай миллат вакили ҳавас билан қарайди. Саҳар туриб, сув сепиб, кўча супурмайдиган ўзбек қизи, келинлари ёки дўппидеккина ерига анвойи гуллар, садарайҳон экмайдиган ўзбек хонадони йўқ.

Ўзбекларда қадим-қадимдан жамоавийлик, халқона айтганда, "кўпчилик бўлиб", "бир ёқадан бош чиқариб", ҳамжиҳатликда фаолият кўрсатиш удум бўлган. Бу унинг ҳайит-байрамларида, тўй-ҳашамларида, оилавий тантаналарида, маъракa ва маросимларида, марҳум ва марҳумаларнинг хотираларига бағишланган тадбирларида яққол кўринади.

Ҳашар қадимдан ўзбек халқи ҳаётида муҳим ўрин тутган. Бу удумнинг, айниқса, бева-бечоралар ва камбағал оилаларга катта ёрдами теккан. Ўзига тўқ хонадонлар бирлашиб ночор оилаларга ҳовли-жой қуриб бериш, болаларига тўйлар қилиб бериш каби савоб ишлар, албатта, ҳашар йўли билан бажарилган. Бу анъана ҳозирда ҳам миллий қадриятимиз кўрки бўлиб қолмоқда.

Меҳмоннавозлик – ўзбекнинг туғма хислати. Дастурхонидаги "топган-тутгани" ҳамиша меҳмонга интизор. Меҳмон отасидек улуғ: емай едиради, киймай кийдиради.

Тўйнинг турлари саноқсиз: бешик тўйи, суннат тўйи, никоҳ тўйи, ҳовли тўйи ва бошқалар. Ўзбекнинг ҳар қандай тўйи – миллийлик намунаси, ёшлар учун амалий ахлоқнинг ўзига хос дарсхонасидир.

Тириклик зийнати, кўнгилнинг амри, охират тадориги бўлган йўқлов, борди-келдилар кўҳна ва кенг тарқалган миллий удумларимиздан. Муайян муносабат билан қутлаш, эслаш, ҳолаҳвол сўраш учун қариндош-уруғ, дўст-ёрларнинг бир-бирларига таклиф ва такаллуфсиз бориш одатга айланган. Йўқландилар турли-туман: дийдорлашиш, беморни йўқлаш, таъзия изҳор қилгани бориш, келинни йўқлаш, фарзанд кўрган аёлни йўқлаш, ҳарбий хизматдан, ўқишдан, саёҳатдан, дам олишдан қайтган кишини йўқлаб бориш.

Одам дунёдан ўтгач, унинг руҳини шод етиш учун турли маъракa ва маросимлар ўтказиш, марҳумнинг номини яхшиликда эслаб туриш, хотирасини улуғлаш халқимизнинг олижаноб фазилати, тирикларнинг муқаддас бурчидир. Жанозада имомнинг ўлгувчининг олди-бердиси, яъни кимдандир қарзи ёки кимдадир омонати борлигини эслатиб, ҳисоб-китоб қилишга ундаши, ўлган одам ҳақидаги "қандай одам эди?" сўроғига барчанинг бир овоздан "яхши одам эди" деб жавоб бериши тенгсиз тарбиявий аҳамият касб этади. Ўзбек оламдан ўтганларни фақат яхшиликда эслайди.

Маданиятлиликнинг илк белгиси бўлган саломлашиш одоби миллатимизда тарбиянинг бошидир. Саломлашиш одати ёш, жинс ва турли маросимларда турлича кечади. Ўзидан катталарга салом бермоқлик, иззатини жойига қўймоқлик ота-боболаримиздан қолган қимматли меросдир.

Баъзи халқларда ўғил-қиз, невара-чевараларнинг ота-оналари, бобо ва бувилари, умуман, ёши

улуғ танишу нотаниш кишиларни сенсираши одатий ҳол ҳисобланса, ўзбекларда сенсираш беодоблик ва, ҳаттоки, хақорат ҳисобланади. Бизда сизсираш удумдир [6.224].

Ўзбек том маънода андишали халқдир. Андиша – бу оқибатини ўйлаб, юз-хотир қилиб юритиладиган мулоҳаза, эҳтиёткорлик ҳиссидир. Биз андишали одам деганда айтадиган гапининг вазнини биладиган, сермулоҳаза, эътиқодли, ориятли, номусли, камсуқум инсонни тушунамиз. Андишали одам ҳеч қачон бетгачопарлик қилмайди, ўзганинг фикрига қулоқ тутади, фаросат билан иш юритади, бошқалар устидан кулиб, дилига озор бермайди.

Аждодларимиз саҳоватпешалик, жўмардликни виждоний бурч сифатида қабул қилганлар. Саҳоват меъёрдаги саҳийликдир. Саҳийликнинг замирида беминнат кўмак, таъмасиз ёрдам, очиққўллик, ҳотамлик ётади. Саҳоватли инсонда жўмардлик, инсон қадрини улуғлаш, таниш-нотанишга меҳр-мурувват, ҳамдардлик туйғулари кучли бўлишини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Юртбошимиз бугунги фаровон ҳаётимиздан розилик, шукроналик, тинч-осуда турмушимиздан мамнунлик, юз бераётган улуғвор ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссини туйиш турмуш тарзимизнинг мазмунига айланаётганини қайд этиб, бу борада ҳар бир инсоннинг ўз фалсафий тамойили шаклланиши зарурлигини уқтирганлар. Шукроналик ҳаётдан мамнунликни, мустаҳкам ишонч, ўз ишига содиқлик, эътиқод барқарорлигини ифода этади. Қуръони каримнинг “Сабаъ” сураси 4-оятида шукр қилувчи одамларнинг ҳар икки дунё саодатига эришишлари ёзилган: “Токи иймон келтирган, шукрлик ва яхши амаллар қилган зотлар шак-шубҳасиз мукофотланур, ўша зотлар учун маърифат ва улуғ ризқ бордир”. Шукроналик, умрдан мамнунлик келажакка умидбахш интилишнинг манбаи бўлмоқда.

Миллий менталитетимиз билан боғлиқ ахлоқий қадриятларни аждодларимиз, ота-боболаримиз асрлар оша бизга етказганлар. Улар бизни ҳаётнинг қадрига етишга, шундай юрт, шундай халқ орасида туғилганимиз учун мингдан-минг шукроналар қилишга ундайди. Энг муҳими, ўзбекона фазилатлар миллий истиқлол туфайли қайта тикланди, ўзлигини эмин-эркин намоён қилди, тиниқлашди, янги-янги қирралари очилиб, бойиб бормоқда. Одамлар миллий истиқлол ғоялари, янгича тафаккурни ўзларига тобора чуқурроқ сингдириб, ёрқин ҳаётга бўлган ишончини мустаҳкамлаб бунёдкорлик, яратувчилик фаолиятлари билан келажаги буюк Ўзбекистонни қурмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Президентлигига сайловлар ўтказилиши муносабати билан юртимизга ташриф буюрган кузатувчилар сайловлар ўтказилиши жараёнларидаги миллий жиҳатларга: бағрикенглик, аёлларга берилган депутатлик квоталари, муомала маданияти, маҳаллаларнинг жамият ҳаётидаги мавқеи ва бошқаларга тан бердилар.

Менталитетимиздаги мавжуд ижобий маънавий-ахлоқий сифатлар ҳаётимизнинг ажралмас атрибутларига айланганлигига шубҳа йўқ. Лекин ҳозирги глобаллашув даврида, юксак технологиялашув, ахборотлашув замонида ахлоқий қадриятларимизни мусаффо ҳолда сақлаш тобора қийинлашиб бормоқда. Чунончи, ҳозирда айрим ёшларнинг Ғарбга кўр-кўрона эргашиш, тақлидчилик оқибатида миллий менталитетимиз софлигининг йўқотилишига сабабчи бўлаётган ҳолатлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Профессор М.Қуронов ўзининг “Эгоцентризм – ёввойилик фалсафаси” номли мақоласида бир мисолни келтиради. Ўзбекистонда 3-4 йил яшаган европалик бир тадбиркор кетар вақти етганда, ўзбек ҳамкорларига ёрилибди: “Шу пайтгача яхши пул топдим. Ўғлимга ёрдам қилиб келдим. Ватанимга қайтиб боргач, нафақага чиқсам, аввалгидек пул тополмайман... Ҳеч кимга кераксиз предметга айланаман. Ўлсам, ўғлим билмайди. Билганда ҳам хафа бўлмайди.

Тўрт йил Ўзбекистонда яшадим, қишлоқ маҳаллаларида бўлдим. Ўзбекларнинг турмуши ҳақиқий, инсоний турмуш экан. Европада кексайганингда бебаҳралик, хорлик бошланади. Ўзбекларда эса ҳаёт гаштини суриш бошланар экан. Жисмим Ғарбга кетаётир. Кўнглим Ўзбекистонда қолаётир, дебди намланган кўзларини жовдиратиб”.

“Бу – биз учун одатий, аммо Ғарбда топилмайдиган асл ўзбек турмуш тарзига бир европаликнинг таъзими эмасми?” деган хулосага келади муаллиф [7].

Глобаллашув жараёни салбий таъсирларидан сақланиш давр талаби, бунда таъсирчан ва самарали усул ва воситалардан тўғри ҳамда тезкор фойдаланиш муҳим, токи бу вазият, бу ўзгаришлар бизнинг ҳаётимизга, ахлоқий қадриятларимизга таҳдид сола олмасин.

Кундалик ҳаётимизни интернетсиз тасаввур қилиб бўлмайдиган ҳозирги замонда ёшларнинг интернет тармоғидан тўғри фойдаланишларига, уларнинг муомала маданияти, тил этикаси, ахлоқ меъёрлари каби кўникмаларини шакллантириш ва уларни менталитетимиз, турмуш тарзимизга ёт бўлган ғоялардан ҳимоя қилиш каби масалаларга жиддий эътибор қаратмоғимиз зарур.

Ҳозирги ўта шитоб ва зиддиятли дунёда республикамизда истиқомат қилаётган ҳар бир инсон юксак ахлоқий қадриятларни эгаллаб, ўз ҳаётидан мамнунлигини ҳис қилиши, меҳнатидан завқ ва сурур туйиши, Ватанимиз буюк истиқболига комил ишонч билан ўз ҳиссасини қўшиши муҳим.

Демак, ўзбекона ахлоқий менталитет Шарқ менталитети, дунё халқлари ахлоқий менталитетининг таркибий қисми, ноёб қирраси сифатида умуминсоний ахлоқий меъёрлар, қадриятларнинг мукаммаллашишида, камол топишида, жаҳон этосферасининг яратилишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга хизмат қилмоқда.

Адабиётлар:

1. Каримов И. Ўзбекистон келажаги буюк давлат.- Т.: Ўзбекистон, 1992.- 62 б.
2. Каримов И. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.- Т.: Шарқ,1997.- 64 б.
3. Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.-Т.: Ўзбекистон, 1996.-364 б.
4. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. – Т.: Akademiya, 2007. -. 352 б.
5. Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги. Т.: Халқ мероси, 1994.- 136 б.
6. Иброҳимов А. Бизким, ўзбеклар... - Т.: Шарқ, 1999.- 400 б.
7. Халқ сўзи.- 2006.- 11 октябрь.

Андижон давлат университети
2015 йил 10 июнда қабул қилинган
(Тақризчи: доц.Ф.Юлдашева)